



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz •

2021 йил 1 июль, № 138 (7918)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ БИЛАН БИРГАЛИКДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ АЛБАТТА БУНЁД ЭТАМИЗ

УЛУҒ БОБОЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ БЎЛИШ, УЛАР КАБИ ЮКСАК МАҚСАДЛАР САРИ ИНТИЛИБ ЯШАШ БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

Пойтахтимизда 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форуми бўлиб ўтди.



Ботаника боғи. Юксак дид билан байрамона безатилган ушбу мўъжаз масканда одамлар, айниқса, эртамиз бунёдкорлари бўлмиш ёшларнинг кайфияти ўзгача. Уларнинг юриш-туриши, фикрлари, кулги ва табассумлари бугунги ислохотлардан рози эканликларини яққол ифодалаб турибди.

Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбир Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик шодийнаси арафасида бўлиб ўтаётгани эса унга юқори суръат ва кўтаринкилик бағишлади.

Форумга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таширф буюрди. Дастлаб давлатимиз раҳбари ёшларнинг илм-фан, технологиялар, адабиёт, санъат каби соҳаларда эришган натижаларини акс эттирувчи кўргазма ҳамда намоёишлари билан танишди. Уларнинг иxtиролари, маҳорати, бадий чизиларини кўздан кечирди. Йигит-қизлар билан самимий суҳбатлашиб, ўқиш ва ишларини муваффақиятлар тилади.

Шундан сўнг Президентимиз катта байрам тадбири саҳнасига келиб, навқирон авлод вакилларини Ёшлар куни билан табриклиди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг байрам табриги ва маърузасида мамлакатимизда барча соҳа ва йўналишлар бўйича эртамиз эгаларига кўрсатилаётган эътибор ўз самарасини бераётганини, буни уларнинг бугунги ютуқлари ҳамда эришган катта-катта натижалари мисолида, қолаверса, кенг кўламли ислохотлар жараёнида бутун халқимиз қатори, ёшлар ҳам фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлади.

— Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган умумхалқ ҳаракати сафларида сиз, азиз ёшларимизнинг қудратли тўлқин бўлиб майдонга чиқаётганингиз, юксак таҳсинга сазовордир, — деди Президент.

Ёшлар — эртамиз эгалари, келажак бунёдкорлари. Шу боис мамлакатимизда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисоди ва интилишлари рўйбига кўмаклашиш, умуман, интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб вояга етказиш, таълим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари устуворлик касб этмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами ва қамрови йилдан-йилга кенгайиб бораётди. Хусусан, ёшлар масалалари билан шуғулланувчи алоҳида давлат ташкилоти — Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди. Бундан ташқари, Ёшлар иттифоқи, унинг ҳузурида ўттиздан ортиқ нодавлат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Барча шаҳар ҳамда туманларда “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури, турли соҳаларни қамраб олган “Беш муҳим ташаббус” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Жорий йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилинган ҳам уларга қаратилган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Қадрли ёшлар, азиз фарзандларим!

Сизларни ва бутун Ўзбекистон ёшларини бугунги кутлуг байрам — Ёшлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу айём Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йилги арафасида бўлиб ўтаётгани унга янада чуқур мазмун ва кўтаринки кайфият бағишламоқда.

Шу кунларда энг улуғ ва энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш мақсадида бутун мамлакатимиз бўйлаб катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Янги-янги санъат корхоналари, замонавий уй-жойлар, коммуникация ва инфратузилма тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари барпо этилмоқда. Албатта, бутун халқимиз қатори сизлар ҳам ушбу жараёнларда фаол иштирок этмоқдасиз.

Юртимиз бўйлаб 6 миллионга яқин ғайрати банд, интилувчан ўғил-қизларимиз иштирокида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирашайлик!” шiori остида ўтказилган фестиваллар барча ёшларимиз учун етуқлик ва ҳақиқий ватанпарварлик кўриги бўлди. Ушбу фестиваллар бундан буён нафақат вилоят марказларида, балки ҳар бир туман ва шаҳарда ўтказиб борилади ва уларда кўтарилган масалалар ечимини бўйича ҳар йили Ҳуқумат алоҳида дастурлар қабул қилади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган умумхалқ ҳаракати сафларида сиз, азиз ёшларимизнинг қудратли тўлқин бўлиб майдонга чиқаётганингиз юксак таҳсинга сазовордир.

Албатта, ёшликка хос шижоат, жўшқинлик ва мардликни, эзгу орзу-интилишларни амалий ҳаракатга айлантириб, салмоқли натижаларга эришиш учун инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшаши керак.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида, аввало, она Ватанга, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам эканини кўраемиз. Масалан, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ алломалар, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби шоир ва мутафаккирлар, Абдулла

Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирийдек маърифатпарвар адиб ва олимлар машҳур илмий кашфиётларини, ўлмас бадий асарларини айнан сизларнинг ёшингизда яратганларини ҳаммамиз яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз.

Бизнинг томирларимизда ана шундай улуғ боболаримизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизнинг эзгу бурчимиздир.

Бугун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида катта қадамлар қўймоқдамиз.

Бу борада юртимизда мутлақо янги шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва иxtисослашган мактаблар тизими яратилганини таъкидлаш лозим. Ушбу мактабларда таълим олаётган кўплаб ўқувчилар нуфузли халқаро танловларда юқори натижаларни кўлга киритмоқдалар.

Мисол учун, Андижондан Дурдона Мухторхўжаева, Бухоридан Фирдавс Собиров, Дониёр Исмоилов, Сирдарёдан Илғор Қодирқулов, Набиҳон Набиҳонов, Тошкент шаҳридан Нодира Саъдуллаева, Искандар Бўриев, Дилшод Хўжақулов, Раил Хашаев физика, математика ва кимё бўйича халқаро олимпиадаларнинг олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлдилар. Бундай зукко ва билимдон фарзандларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг ана шундай ютуқларга эришишига катта ҳисса қўшган жонқуяр ота-оналарига, захматқаш устоз ва мураббийларига ҳам ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Эндиги муҳим вазифамиз — мана шундай фарзандларимиз орасидан янги авлод беруниларини, ибн сино ва улуғбекларини, хоразмий ва фарғонийларини тарбиялаб, вояга етказишдан иборат. Бу йўналишда “Беруний издошлари”, “Мирзо Улуғбек ворислари”, “Алишер Навоий давомчилари” каби кўрик-танловлар ўтказиб, гоилбларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.

Сўнги йилларда ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Хабарингиз бор, яқинда таниқли сиёсатчи, Парламентларо Иттифокнинг Бош қотиби Мартин Чунгонг бошлиқ расмий делегация мамлакатимизга таширф буюрди. Суҳбат чоғида у киши бир фикрни афсус билан таъкидлади. Яъни сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўپини 30 ёшгача бўлган инсонлар ташкил этса-да, бутун дунё бўйича ёш депутатларнинг улуши 2,6 фоизга ҳам етмас экан. Олий мартаба-ли меҳмон Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 фоиздан ошганини юқори баҳолади. Бу — катта эътироф, албатта.

Биз бу ғоят муҳим йўналишдаги ишларимизни давом эттирган ҳолда, Парламентларо Иттифок кўмагида “Биз парламента ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!” деган эзгу ташаббусни амалга оширамиз. Ушбу тизим асосида сиёсий етуқ ва фаол ёш йигит-қизларимизни миллий парламентимиз ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятига янада кенгроқ жалб этамиз.

Халқ депутатлари Кенгашлари тавсисини асосида ёш, ғайратли, фидойи ўғил-қизларимиз бундан буён Олий Мажлис депутати ва сенаторларига бириктирилади.

Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашларда ҳам, худди Сенат ва Қонунчилик палатасидаги каби ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилади. Шунингдек, иқтидорли ёшлар орасидан янги авлод захира кадрлари — “Келажак лидерлари”ни шакллантираемиз.

Бугун шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, бундай ёшларимизнинг кўпчилиги жонбозлик кўрсатиб хизмат қилмоқда. Масалан, Шерзод Раҳмонов — Нарпай туманида, Сарварбек Султонов — Ширин шаҳрида ва Элбек Шуқуров — Сергели туманида ҳоким вазифасида, Дурдона Раҳимова — Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Одилжон Тожиев — Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу билан бирга, кўплаб иқтидорли ўғил-қизларимиз хорижда-

ги нуфузли олийгоҳларда ўқимоқда, илм-фан билан шуғулланмоқда, йирик ва етакчи компанияларда иш олиб бормоқда. Биз ана шундай ёшларимизнинг Ватанимизга келиб ишлаши учун барча шароитларни яратиб берамиз. Уларни раҳбарлик лавозимларига асосий номзод сифатида белгилаш, уй-жой ажратиш, муносиб маош тўлаш бўйича янги тизим жорий этамиз.

Умуман, ёш кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялашга қаратилган сиёсатимизни қатъий давом эттирамиз. Бунинг учун, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳар йили ҳоким, вазир, идора ва банк раҳбарлигига каммида 2 нафардан ёш номзодлар захирасини тасдиқлайди. Жорий йилдан бошлаб, бундай иқтидорли ёшларимиз “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан чет элларда стажировка ўтайди. Шунингдек, республикамизда ишлаётган, халқаро нуфузли рейтингларда мингталikka кирган олийгоҳни туғатган ва чет элда илмий иш қилган ёш мутахассисларга қўшимча ҳақ тўланади.

Ҳар бир вилоят ҳокими ва вазир йил бошида ўз худуди ва тизими-га ана шундай ёш мутахассисларни ишга олиб келиш режасини тасдиқлайди ҳамда уларга бериладиган иш ҳақи, уй-жой ва рағбатлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади.

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Ўтган йили декабрь ойида мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган Ёшлар форуми миллионлаб ўғил-қизларимиз ҳаётида ёрқин из қолдирди. Барча шаҳар ва туманларда ташкил этилган бундай анжуманларда ёшларимиз томонидан илгари сурилган ташаббус ва тақлифларнинг аксарияти “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастуридан жой олди.

Азиз ёшлар, шу ўринда бир фикр-ни алоҳида таъкидлаб айтишни истардим. Биз Ўзбекистонда ҳар бир йилга қандай ном беришимиздан қатъи назар, ёшларнинг билим ва касб-хунар эгаллаши, улар учун муносиб иш ва турмуш шароити яратиш масаласи доимо эътибо-

римиз марказида бўлиб қолади. Бундан буён ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ва маҳаллий Кенгашлар томонидан берилган тақлифлар асосида, бу йўналишда алоҳида дастурлар қабул қилинади ва уларнинг ижроси йил давомида мунтазам назорат этиб борилади.

Бугун ҳаётимизнинг қайси соҳа ва тармоғини олмайлик, ёшларга эътибор ва ғамхўрлик асосий ўринга қўйрилиб, уларга зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Сўнги 4 йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, улар 500 миңдан ошгани, бунинг аққол далилидир.

Хорижий инвестициялар иштирокида замонавий корхоналар барпо этиб, кўплаб янги иш ўринлари яратётган, ўз маҳсулотларини экспорт қилаётган тадбиркор ёшларини сафни кун сайин кенгайтиб бормоқда. Мисол учун, Самарқанд туманида — Музроб Тошев, Риштонда — Хуршид Норматов, Ургутда — Маждихон Исмолов, Хўжаобода — Нуриддин Абдураҳмонов, Ҳазораспада — Дилшодбек Ҳожиев сингари изланувчан ёшларимиз ҳавас қилса арзийдиган натижаларга эришмоқда.

Бугунги байрам муносабати билан мана шундай салоҳиятли ёшларимизнинг бир гуруҳи юксак давлат мукофотлари билан тақдирлангани, албатта, барчамизни мамнун этади. Албатта, бундай ўғил-қизларимиз — замонамизнинг ёш қаҳрамонларидир. Уларнинг дастлабки, аммо умидбахш ютуқлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўрсатувлар, мақола ва суҳбатлар ташкил этиб, амалга ошираётган ибратли ишларини кенг жамоатчилик, аввало, тенгдошлари ўртасида тарғиб этиш айлани мудида бўлади.

Қадрли ёшлар! Ҳабарингиз бор, кейинги пайтларда келажакимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимиз билан ишлашнинг мутлақо янги тизими — “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар дастурлари” ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида ўтган 8 ой мобайнида “Ёшлар дафтари”га кирган 430 миң нафар йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, “Темир дафтар”-

даги оилалар фарзандлари бўлган 2 миңдан зиёд талабанинг контракт пули тўлаб берилди.

Бундан буён ҳар қандай инвестиция лойиҳасининг бош мақсади, аввало, ёшлар бандлиги масаласини ҳал этишга қаратилиши керак. Бу ҳамма жойда ўзгармас қоидага айланиши зарур.

Ёшларни иш билан таъминлаш, зарур касб-хунарларга ўргатиш учун жойларда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари масъул ва жавобгардир.

Ҳабарингиз бор, бу йилдан бошлаб, иш берувчиларга уларнинг 25 ёшдан ошмаган ишчи-ҳодимлари учун ҳисобланган ижтимоий солиқ суммасини бюджетдан тўлиқ қайтариб бериш тартиби жорий қилинди. Натижада жорий йилнинг иккинчи ярмида 170 миллиард сўм, келгуси йилда эса 500 миллиард сўм маблағ 240 миң нафар ёшга ишга қабул қилган тадбиркорлар иштирокида қолади. Шунингдек, касб-хунар мактаби ва техникумлар ўқувчиларига корхоналарда амалиёт ўтаган даври учун 6 ой давомида 500 миң сўмдан субсидия бериш жорий этилгани, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун катта рағбат бўлди.

Бундан ташқари, ётоқхона билан таъминланмаган 62 миң нафар талабага ойлик ижара тўловининг 50 фоизини бюджетдан қоплаб бериш бошланди. Шу билан бирга, бу йилнинг ўзида 92 миңдан зиёд ўғил-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Хурматли ёш дўстларим! Бугунги мураккаб замонда ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш биз учун ғоят муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бу борада баъзи мисолларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

(Давоми 2-бетда).



УЛУҒ БОБОЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ БЎЛИШ, УЛАР КАБИ ЮКСАК МАҚСАДЛАР САРИ ИНТИЛИБ ЯШАШ БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР



O'zbekiston yoshlari va talabalari forumi

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ҳаётга изчил жорий этилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ҳам иккита энг муҳим йўналишни қамраб олади. Шулардан биринчиси — уларга пухта ва замонавий билим бериш бўлса, иккинчиси, бандлигини таъминлаш, касб-хунари қилишидир.

Бугунги кунда олиб борилаётган туб ислохотлар, ташаббус ҳамда татбиқ этилаётган янги тизим ва ёндашувлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар ётади.

Ёшларнинг билими, иқтидорини ривожлантириш мақсадида мулқоқ янгилик ҳамда мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва иқтисодлаштирилган мактаблар тизими яратилди. Умуман, барча мактабларга эътибор, ўқитувчиларга рағбат ҳамда ҳурмат ошди. Ёш авлодда илм олишга бўлган интилиш кучайди.

Форумда таъкидланганидек, ўтган бир йилда билимли ва зукко йигит-қизларимиз халқаро фан

олимпиадаларида 4 та олтин, 18 та кумуш ва 29 та бронза медалларини кўлга киритди. Жорий йилда Президент мактабларини тамомлаган 96 нафар ўқувчининг барчаси муддатидан аввал нуфузли хорижий олийгоҳларга грант асосида ўқишга кирди.

Албатта, билимга чанқоқ ёшларнинг талабига мос равишда олий таълим муассасалари сони ҳам ошмоқда, бу рақам 127 тага етказилди. Мамлакатимизда 26 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари очилгани ҳам интилувчан ўсмирларга янада қўлайлик яратмоқда. Охириги беш йилда олий таълимга қабул квотаси уч баробар оширилди. Яқинда яна бир олий таълим маскани — "Янги Ўзбекистон" университети ташкил этилиб, янги ўқув йилида унга абируориентлардан 300 нафари қабул қилиниши ҳам соҳада амалга оширилаётган ишларнинг манткий давоми бўлди.

Президентимиз нуфузли халқаро танловларда муносиб қатнашиб,

мамлакатимиз шон-шухратини улуглаётган йигит-қизларни алоҳида эътироф этди.

Бандлик масаласида ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Сўнги тўрт йилда ўттиз ёшга бўлган тадбиркорлар сони беш баробар кўпайиб, улар 500 минг нафардан ошди. Бундан ташқари эътибор ва ғамхўрлик асосий ўринга кўтарилганини кўрсатади.

Амалий ишлар натижасида ўтган саккиз ойда "ёшлар дафтари"га киритилган 430 минг нафар йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, "темир дафтар"даги оилалар фарзандлари бўлган талабаларнинг шартнома пуллари тўла берилмоқда. Бу йил 92 мингдан зиёд ўғил-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилгани, ҳудудларда йўлга қўйилган Ёшлар санаот ва тадбиркорлик зоналаридаги минглаб лойиҳалар доираси-

да 50 мингта янги иш ўрни яратилгани қайд этилди.

Президентимиз Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида юртимиз ёшларининг иштинмой-сиёсий фаолиги ортиб бораётгани халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Сўнги йилларда навқирон авлоднинг иштинмой-сиёсий фаолигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Парламентда улар ўрни ҳам охири бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ёш депутатларнинг улуши 6 фоиздан юқори эканлиги ҳам диққатга сазовор, албатта.

Давлатимиз раҳбари эндиликда мулқоқ янги тизим асосида сиёсий ёшлар талабига мос равишда олий парламентимиз ҳамда маҳаллий Кенгашлар фаолиятига янада кенгроқ жалб этилишини, шунингдек, бундан бунён халқ депутатлари Кенгашлари тавсияси асосида ёш, гайратли, фидойий ўғил-қизлар Олий Мажлис депутати ва сенаторларига бириктирилишини маълум қилди.

— Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашларда ҳам, худди Сенат ва Қонунчилик палатасидаги каби ёшлар парламент вакиллари мактаби ташкил этилади. Шунингдек, иқтидорли ёшлар орасида янги авлод захира кадрлари — "Келажак лидерлари"ни шакллантираимиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Форумда, шунингдек, давлатимиз раҳбари ёшлар келажиги билан боғлиқ бир қатор масалаларга ҳам тўхталиб ўтди. Хар ўқув йили якуни билан туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасида битирувчилар бандлигини таъминлашга оид дастурлар қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилиши, Тошкент шаҳрида йигит-қизларни тадбиркорликка ўргатиш бўйича бизнес мактаби ташкил этилиши, келгуси йили миллий стартап лойиҳаларини молиялаштиришга 100 миллиард сўм ажратилиши

ва бошқа вазифалар ана шулар жумласидан.

Ёшлар тарбияси, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, китобхонликни ривожлантириб бориш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олишлари учун қўшимча квоталар ажратиш, асрлар давомида буюк аجدодларимиздан мерос бўлиб келаяётган маънавий хазинани кўз қорачигидек асраш ва уни янада бойитиш, келгуси авлодларга безавол етказиш, шу жумладан, миллий хунармандчилик намуналари ҳамда чолғу асбобларини улар ўртасида оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш доимий устувор масала бўлиб қолишини таъкидлади.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 29 июндаги Фармонида мубофиқ, ўзининг ижодий ҳамда интелектуал салоҳияти, танлаган касб йўналиши ва ижтимоий ҳаётда эришган муҳим натижалари билан турли соҳаларда юртимиз равнақига, унинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, тенгдошларига ўрнак ҳамда намуна бўлиб келаяётган фаол ёшлар ордени ва медаллар билан мукофотланган эди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари ушбу мукофотларни ўз эгаларига тантанали равишда топширди.

Мукофотланганлар юксак ишонч ва эътибор, яратилаётган имкониятлар учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, ўқиш ҳамда интилишга фаол давом этиши, янада катта натижаларга эришиб, давлатимиз ишончини оқлашини таъкидлади.

— Билимли ёшлар — келажак пойдевори. Бугунги ҳаракатларингиз билан ўз келажакингизга асос соляйсизлар. Мен сизлар билан ғурурланаман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тантанали тадбир саноат усталари, эстрада юлдузлари ва ёш ижроқилари иштирокидаги катта концерт дастури билан якунланди.

Кенгаш йиғилиши



ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ИШ РЕЖАСИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ БЎЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент кўйи палатаси фаолиятига оид бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2021 йил иккинчи ярим йиллигидаги йўналишлари мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ҳамда изчил ислохотлардан келиб чиққан ҳолда танқидий қайта кўриб чиқилди ва бугунги кун талабларига мос равишда янада такомиллаштирилди.

Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг 2021 йил иккинчи ярим йиллигидаги йўналишлари мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ҳамда изчил ислохотлардан келиб чиққан ҳолда танқидий қайта кўриб чиқилди ва бугунги кун талабларига мос равишда янада такомиллаштирилди.

Шунингдек, уни ишлаб чиқишда жорий йилги иш режа ижроси якунларининг таҳлили, давлат ва жаҳият қурилишининг ҳозирги кундаги энг лекс ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар парламент олдига янгида-янги вазифаларни қўймоқда.

Ислохотларнинг шиддати Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари ва комиссиялари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, парламент вакилларининг халқ билан доимий мулоқотини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, кўйи палатанин қонун ижодкорлиги, парламент ҳамда депутатлик назоратида доир фаолиятини кучайтириш, парламентларо ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш каби муҳим йўналишларини янада

такомиллаштириши, депутатлар корпуси ишини бугунги кун талаблари асосида олиб боришни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг 2021 йил иккинчи ярим йиллигидаги йўналишлари мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ҳамда изчил ислохотлардан келиб чиққан ҳолда танқидий қайта кўриб чиқилди ва бугунги кун талабларига мос равишда янада такомиллаштирилди.

Шунингдек, уни ишлаб чиқишда жорий йилги иш режа ижроси якунларининг таҳлили, давлат ва жаҳият қурилишининг ҳозирги кундаги энг лекс ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар парламент олдига янгида-янги вазифаларни қўймоқда.

Ислохотларнинг шиддати Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари ва комиссиялари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, парламент вакилларининг халқ билан доимий мулоқотини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, кўйи палатанин қонун ижодкорлиги, парламент ҳамда депутатлик назоратида доир фаолиятини кучайтириш, парламентларо ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш каби муҳим йўналишларини янада

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Сўз — давлат мукофотлари билан тақдирланган ёшларга

Дилшод КАРИМОВ, Оқолтин туманидаги 7-болалар мусика ва санъати мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, "Мард ўғлон" давлат мукофоти совриндори:

— Бугун мен учун гоятда қувончли кун бўлди. Президентимизнинг кўлларидадан ушбу давлат мукофотини олиш бахтига муяссар бўлдим.

Мусика ва санъат менинг ҳаётим мазмунини, десам ҳам бўлади. Ушбу соҳада жуда кўплаб ютуқларга эришдим. 2016 йилда Францияда бўлиб ўтган "Муъжизали Париж" халқаро танловидида рубоб прима йўналишида 1-ўринни эгалладим. Кейин эса яна кетма-кет халқаро танловларда фахрий ўринларни кўлга киритдим. "Ниҳол" мукофоти совриндори ҳам бўлдим. Бугунги мукофот эса ҳаётимдаги энг эсда қоларлиси, десам янглишмайман.

Албатта, билдирилган ишончга жавобан келгусида ўз соҳам бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятидаман. Мактабимиздаги 168 нафар ўқувчининг жаҳият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишлари йўлида астойдил меҳнат қиламан.

Наргиза АТАҚУЛОВА, "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жаҳиятининг рух заводи лаборанти, "Келажак бунёдкори" медали соҳибаси:

— Президентимизнинг форумдаги нутқини эълан қилишим билан тингладим. Унда баён қилинган ва энди амалга оширилаётган ишларнинг барчаси ёшлар ҳаётига янги мазмун олиб киради, десам, айтиш қўйиладиган бўлади.

"Меҳнат инсонни улуглайди" деганларимиз рост экан. Қарангки, озми-кўпми меҳнатим юксак баҳолашиб, давлат мукофоти билан тақдирландим. Бу мен учун қутилмаган совға бўлди.



Аъло АБДУЛЛАЕВ ва Оқил ҒУЛОМОВ (ўЗА) олган суратлар.

Айни пайтда мен фаолият олиб бораётган рух заводи лабораториясида барча шароит мавжуд. Биз ёшлардан фақат илм олишда давом этиш ва шу асосда изланиш талаб қилинади, холос.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Миллий университетининг кимё факультетидида соҳам бўйича мустақил тадқиқотчи сифатида изланиш олиб боряпман. Мақсадим — шу азиз Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўйиш.

Дилшодбек ХОЖИЕВ, Тупроққалъа туманидаги "New Best Style" МЧЖнинг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, "Келажак бунёдкори" медали соҳибаси:

— Бизнинг "New Best Style" МЧЖда ўтган йил гулгоҳозлар ишлаб чиқариш лойиҳасининг 1-босқичи муваффақиятли амалга оширилган. Яқинда лойиҳанин 2-босқичи доираси-

даги қурилиш ва жиҳозлаш ишлари якунланиб, янги йўналиш ишга туширилди. Бу, йилга бир миллион рулон, яъни 126 миллиард сўмлик гулгоҳоз ишлаб чиқариш, дегани. Камтарона меҳнатим юксак баҳолашиб, "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланганим зиммамга янада улкан масъулият юклайди. Келгусида ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этиш, миллий маҳсулотларимиз жаҳон бозорини таъминлашга муносиб ўрни олиши учун бор билим ва тақрибамни ишга солишга ваъда бераман.

Исломжон БЕКТОШЕВ, Андижон давлат тиббиёт институтининг 6-босқич талабаси, "Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳибаси:

— Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олишлари учун барча шароит яратилмоқда.

Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ёшларни камолот сари етаклайди.

Бундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда, мен тиббиёт йўналишида бир қанча лойиҳаларни ишлаб чиқдим. Ана шулардан бири "Кувноқ оёқчалар" лойиҳаси бўлиб, унга биноан қандли диабет билан оғриган беморлар, имконияти чекланган инсонлар ва қариялар учун махсус оёқ кийими яратишга муваффақ бўлдим.

Изланишларим юқори баҳолашиб, давлат мукофотида лойиқ қўрилганидан мамнунман. Бу мени янада яхши ўқшига, янги лойиҳалар устида ишлашга ундайди. Билдирилган ишончини, албатта, ўз меҳнатим билан оқлайман.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон — Туркия: Кўп қиррали алоқалар дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлайди

Сўнги йилларда Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Бунда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғаниннинг сиёсий иродаси, қатъияти муҳим асос бўлди. Яъни икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, самимий мулоқотлар ўзаро ҳамкорлик ривожига катта туртки бермоқда.

Муносабат

Ўтган беш йилда алоқалар стратегик шериклик даражасига чиқди, десак тўғри бўлади. Бундай илқик, дўстона ва ўзаро манфаатли ҳам-

корлик икки мамлакат ишбилармон доиралари учун қўлай шароит яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, қўшма кооперация лойи-

ҳалари ҳамда маданий-гуманитар алмашинув дастурларини амалга ошириш каби кўплаб йўналишларда ўз аксини топмоқда.

Яқинда Президентимиз амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октайни қабул қилди. Эътиборга молик жиҳатли учрашувида янги босқичга чиққан ҳамкорликни изчил давом эттирган ҳолда унинг янги қирраларини очиб буйича фикр алмашилди.

Сир эмас, бугунги глобаллашув шароитида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини интелек-

туал билим ва рақамли технологиялар белгилаб бермоқда. Шу маънода, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ана шу жиҳатларини ривожлантириш муҳим экани таъкидланди.

Хусусан, Тошкент шаҳрида ўтказилган Стратегик ҳамкорлик кенгаши иккинчи йиғилишининг кун тартибининг ҳар томонлама тайёрлаш, энг аввало, товар айирбўлаш ҳажми ва кооперация қўламини ошириш, Преференциал савдо тўғрисидаги битимни қабул қилиш, қўшма санаот зонасини ташкил этиш, Туркиянинг илгор тажриба-

си, билим ҳамда технологияларини фаол жалб қилган ҳолда рақамлаштириш, таълим ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги дастурларни илгари суриш каби масалаларнинг атрофича муҳокама қилинганлиги муҳим аҳамият касб этди.

Умуман, Ўзбекистон — Туркия ўртасида икки томонлама мулоқот ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлайди.

Дилбор УСМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Эътироф ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА КЕЛИШИЛДИ

"Марказий Осиё минтақасида COVID-19 пандемиясидан кейин тикланишдаги барқарор ёндашувларда парламентларнинг роли" мавзусида онлайн конференция бўлиб ўтди. Парламентларо Иттифоқ ҳамда БМТнинг Атроф-муҳит дастури томонидан ташкил этилган онлайн конференцияда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон парламентлари сенаторлари, депутатлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Парламентларо Иттифоқ вице-президенти Акмал Саидов киритиш сўзи билан очди.

А. Саидов, авваломбор, барчага маълум сабабларга кўра, ушбу анжуман онлайн ўтказилаётганини қайд этди. Бинобарин, 2019 йил декабрь ойидан бунён бутун дунёда одамлар, товарлар, глобал молиявий ҳаракатлар чекланмоқда. Базий мамлакатларда вакцинациялаш амалга оширилган бўлса-да, вазият қачон одатий ҳолатга келиши мумкинлигини ҳеч ким айта олмади.

COVID-19 бутун дунёни таҳликага солиб турган бўлишига қарамай, унинг табиат билан уйғунлашиб кетишига, яқин истиқболда келажак авлод бахраманд бўладиган барқарор яшаш нормаларини шакллантиришга эришишимиз лозим. Шу билан бирга, коронавирус пандемияси туфайли дунёда бирон-бир давлат жаҳон иқтисодиётидан ажралган ҳолда ривожлана олмаслигини яна бир бор хис қилдик. Хусусан, маъзур вебинар Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ўртасидаги парламентларо ҳамкорликни чуқур таҳлил этиш майдони сифатида хизмат қилиши муқаррар.

Вебинарда қайд этилганидек, бугунги кунга қадар Ўзбекистон атроф-муҳити муҳофаза қилиш соҳасидаги ўн битта халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги етти та кўп томонлама халқаро шартномага қўшилган. Жумладан,

Париж битимини ратификация қилган томон сифатида 2030 йилга келиб "иссиқхона газлари" солиштирма ташланмаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан 10 фоиз қисқартириш бўйича мажбурият олган.

Шундан келиб чиқиб, Давлат дастурининг тегишли бандида мувофиқ, Ўзбекистоннинг Париж битимига қўшилиши муносабати билан "яшил иқтисодиёт"га ўтиш бўйича давлат стратегияси ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда бу йўналишда экологик соф, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, сўнги йилларда Оролбўйи ҳудудида бир нента лойиҳа бажарилди. Бунинг натижасида Орол денгизининг қуриб қолган ҳудудида саксовул ва чўлга чидамли бошқа ўсимликлар экилди. Мўйноқ шаҳри инфратузилмаси тубдан яхшиланди.

Дўстона руҳда ўтган онлайн конференцияда парламентларо мулоқотлар минтақадаги мамлакатларни юксак тараққиёт йўлига олиб чиқиш, халқнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш ва ечимини кутаётган масалаларни ўзаро таҳриб ҳамда фикр алмашиш орқали ҳал этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Мулоқот якунида кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омили бўлган парламентларо ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

БУ — БИЗНИНГ ВАТАНИМИЗ!

Ўзбекистон катта сиёсий тadbирлар арафасида. 2021 йил октябрь ойида мамлакатимизда Президентлик сайлови бўлиб ўтади. Бу муҳим сиёсий жараёнга биз қай даражада тайёргарлик кўраётган бўлсак, пана-пасткамларда, турли ковакларда бугунги кунларни, эришаётган ютуқларимизни, халқаро майдондаги обрў-этиборимизни кўролмайдиган қора кучлар ҳам гимирлаб қолгани ҳеч кимга сир эмас.



дан арзимаган садақага Ватанини, халқини, ота-онасию бола-чақасини алмаштириб кетаверадиганлар ҳам топилади. Ана шундайлар, афсуски, бугун ҳам бор. Талабалар орасида ҳам йўқ эмас.

Нима қилиш керак энди? Уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, билганингни қилавер, чет элларда ёки мамлакат ичида ким норози кайфиятда Ватанимиз, халқимиз, Президентимиз, Ҳукуматимиз устидан мағзава тўкса, ушаларга эргашиб кетавер, дейиш керакми? Уларга тўғри йўлни кўрсатиб туриш биз — зиёлиларнинг вазифаси аслида.

Бугунги ўзбек халқи кечаги халқ эмас. Халқимизнинг фикри соғлом. Ёшларимиз бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси, ижтимоий-сиёсий жараёнларга тўғри баҳо бера олади.

Сайловлар арафасида кимлардир гимирлаб қолган бўлса, буни ҳам тушунамик. Тўғра нелар қирмайди, душман нелар демайди. Ўзга мамлакатларда яшаб, Ўзбекистон халқи номида гапириш ҳуқуқини уларга ҳеч ким бермаганини ўзлари ҳам билишади. Лекин еган нонларини оқлаши керак-ку!

Гапнинг пўскаллиси шу: қанчалик ҳаракат қилманг, Ватанини, халқини, Президентини севган одам ногорангизга ўйнамайди, учанлар эса ўзингизга ўхшаган аламзадалардир. Мухтасар айтганда, бу — бизнинг Ватанимиз! Президент, бизнинг Президентимиз! Улар ҳақида айтилган ҳар бир тўхтаб гапга жавоб қайтариш ҳам бизнинг вазифамиз. Биз юртимизни оғир вақтларда ҳам севганимиз, эъзозлаганимиз. Бугун эса табиий равишда қадрлаймиз. Чунки мамлакатимиз шуну шавқат кундан-кунга юксалиб, таррақий этиб бормоқда.

Шу ўтган давр мобайнида Ўзбекистон эришган ютуқларини икки тоифа кимсалар — сиёсий жиҳатдан кўр, ўз дунёқараши йўқ, нодонлар ҳамда Худони танимаган, ҳаммадан норози, иши юришмаётган бўлса, бунинг учун бировларни айбдор ҳисоблайдиган ноинсофлар кўра олмаслиги мумкин. Бундайларнинг ҳеч бири соғлом фикрлайдиган кимсалар эмас ва уларнинг орасидан эргашиб юривчилар ҳам бундан қолишмайдиганлардир.

Элчилик-да, кўпнинг ораси-

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
Самарқанд давлат университети ректори,
профессор.

Мушоҳада

Хар қандай давлатнинг тарихий тараққиёти ўша давлатда ёшлар таълим-тарбиясига бериладиган эътибор билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис ҳам Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор

йўналишларидан бирига айланган. Бугун мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шароит ҳамда имкониятлар яратиш беришга қаратилган мустақкам ҳуқуқий база шакллантирилган бўлиб, у замон талабларига ҳамоҳанг равишда тақомиллаштирилиб боришмоқда.

ЮРТИМИЗНИНГ ЁШЛАРГА ОИД СИЁСАТИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ҲАМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Маълумки, юртимизда аҳолининг 60 фоизини 30 ёшгача бўлган навқирон авлод ташкил этади. Буни мамлакат учун муҳим манбаа ҳамда иқтисодий ўсиш ва авлодлар фаровонлигини таъминлаш йўлида бебаҳо ресурслардир. Сўнгги икки йил ичида соҳага оид 3 та қонун, Президентнинг ўнлаб Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари қабул қилиниши негизда ҳам аслида ана шу ресурдан унумли фойдаланиш мақсади мўжассам. Муҳими, ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар доирасида қўллаб-қувватлаш реўбга чиқаришмоқда.



Халқаро эътирофларга кўра, янги Ўзбекистон ёшлари жамиятини ўзгартиришни фаол субъекти, модернизация жараёни учун муҳим манбаа ҳамда иқтисодий ўсиш ва авлодлар фаровонлигини таъминлаш йўлида бебаҳо ресурслардир. Сўнгги икки йил ичида соҳага оид 3 та қонун, Президентнинг ўнлаб Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари қабул қилиниши негизда ҳам аслида ана шу ресурдан унумли фойдаланиш мақсади мўжассам. Муҳими, ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар доирасида қўллаб-қувватлаш реўбга чиқаришмоқда.

Хусусан, Ёшлар ишлари агентлиги ва Бош вазир раислигида ёшлар масалалари бўйича идоралар қорғаш иш бошлади. Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил этилди, Олий Мажлиси палаталари қошида Ёшлар парламентлари тuzилди. Ўзбекистонда 30 июнь — Ёшлар кўни, деб эълон қилинди.

Харакатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йўлида» амалга оширишга оид Давлат дастури, Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси доирасида қатор вазифалар бажаришмоқда. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» қабул қилинди. Концепцияда жисмонан соғлом, маънан етук йилгит-қизларни тарбиялаш, уларнинг илми ва ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқаришга қўмақлаштиш, ҳуқуқ ҳамда эриқчиликларни, манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ислохотларга фаол жалб этиш масалалари ҳам қамраб олинган.

Ташкилот доимий кенгашида Самарқанд резолюцияси ЕХТнинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди, шунингдек, бу ҳужжат Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларга юборилиб, МДҲнинг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

Мамлакатимизнинг ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилига бўлган содиқлиги Президентимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида яна бир бор ўз тасдиқини топди. Мазкур нутқда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қатор ташаббуслар илгари сурилди. Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция қабул қилиш, БМТ ҳомийлигида ёшлар ҳуқуқига бағишланган Булунжаҳон конференциясини ўтказиш шуллар жумласидандир. Ушбу нуфузли конференцияни жорий йилнинг 12-13 августда ўтказиш режалаштирилган бўлиб, у ёшлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, рағбатлантириш механизмларини тақомиллаштириш юзасидан фикр алмашиш, халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Янги Ўзбекистонда давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва йилгит-қизлар ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш учун жуда кўп эзгу ҳаракатлар қилинаётганини яна бир қарра такорролламоқчимиз. Ёшлар мамлакатнинг барча тоқмоғига кен жалб қилинапти.

Шулларга мос ҳолда улар билан ишлашга йўналтирилган алоҳида ташкилотлар ҳам шаклланишмоқда. Ёшларни ўқитиш ва ҳар томонлама баркамол воғта етказиш учун шароитлар яратилмоқда. Ушбу сайёҳаракатларнинг барчаси ўз самарасини беришига ишончимиз қомил. Ватанимиз янада гуллаб-яшнашига айнан биз, навқирон авлод жавабгардиримиз. Бу борда, албатта, Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари янада кўпроқ масъул, деб биламиз.

Севара МАҲМУДОВА,
Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари,
Республика «Баркамол авлод» болалар мактаби директори.

Нуктаи назар

Уларнинг сигналлар ва ҳамма биладиган усули бор. Бу давлат бошқарувидан камчилик излаш, майда муаммоларни бўрттириб кўрсатиш ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали турли аққонлар очиб, турли номлар остида одамларни қалғитиш, тинчлигимизга, истиқболимизга раҳна солишдан иборат.

Ҳаётда бундай ўйинларни, ноҳилисликларни, инсофсизликларни кўп кўрганмиз. Уларнинг қўлидан ҳеч ш нелмаслигини ҳам яхши биламиз. Лекин бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ. Унутманг, ҳеч қачон ёмонлик, ивгогарлик, ноинсофлик, ношукрилик билан узоққа бориб бўлмайди. Халқимиз билиб айтган: «қийишқ мўридан қийишқ тутун чиқади».

Хўш, бугун пайтавасига кurt тушганлар кимлар? Аввало, аламзадалар, Ўзбекистоннинг, халқимизнинг душманлари ва ўз навбатида, уларнинг тегириғонига сув қуюётган қора кучлар. Уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган ҳамда бундан манфаат излаётган кимсалар бир ҳақиқатни билишмайдилар: Ўзбекистон ўзи танлаган тўғри йўлда, орқага йўл йўқ. Йўл фақат олдинга. Ўзбек халқи, сиёсий жиҳатдан ҳам уйғоқ, сергак. Биз кимнингдир алми-соқдан қолган насаҳатига, йўл кўрсатишига муҳтож эмасмиз, кеча билан бугунни таққослай оламиз. Охири беш йил халқимиз, Ватанимиз учун нималар берганини, қандай нати-

жаларга эришганимизни жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этиб турибди.

Талаб ва истак шундан иборатки, мунофиқ кимсалар Ватанимиз учун бир гишт қўйгани йўқ, бир дарахт экгани йўқ. Шундай экан, нима қиласиз энди ҳалақат бериб? Яхшилик ҳам қила олмайсиз, чунки қалб-бингиз қора. Аслида, қанча уринманг, шундай улғу мамлакатга, қудратли миллатга ёмонлик қилишни ҳам уудалай олмайсиз. Фақат асабга тегиш, одамлар фикрини бузишга ури-насиз, холос.

Масаларга ана шу призмада қаралса, бугун ижтимоий тармоқларда нима мақсадда Ўзбекистон Президенти ва Ҳукуматига қарши гаплар ай-тилаётгани маълум бўлади-қолади.

Кўни кеча «Facebook» ижтимоий тармоғида Самарқанд ҳамда Андижон давлат университетларининг талабаларига Президентни мақтаб мақола ёзиш, давлат раҳбари ва у олиб бораётган сиёсатни танқид қилган фикрларга салбий муносабат билдириш ҳақида топширик берилди, деган хабар эълон қилинди.

Биринчидан, одамларни ни-магадир мажбур қилиш замони аллақачон ўтган. Хар бир Ўзбекистон фўқароси ижтимоий тармоқда бўладими ёки бошқа жойда, ўз фикрини билдириш имкониятига эга. Ёшлар ўз Ватанини, Президентни шаънини, қадр-қимматини ҳимоя қилаётган экан, демак, улар

ЭЪЛОНЛАР

SPECIFIC PROCUREMENT NOTICE REQUEST FOR BIDS WORKS

Employer: Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan
Project: Ferghana Valley Water Resources Management Phase - II
Contract title: FWRMP-II/ICB/2-2/2 «Rehabilitation of Isfayram-Shahimardon Irrigation Infrastructure: Construction of new Aval-Lagon and Rehabilitation and Modernization of Existing Isfayram-Shahimardon Pump Station in Fergana Region» (re-bidding)
Country: The Republic of Uzbekistan
Credit No.: IDA Credit No.6083-UZ
RFB No: FWRMP-II/ICB/2-2/2
Issued on: June 2021
1. The Republic of Uzbekistan has received financing from the World Bank toward the cost of the «Ferghana Valley Water Resources Management Phase-II, Project» and intends to apply part of the proceeds toward payments under the contracts for FWRMP-II/ICB/2-2/2 «Rehabilitation of Isfayram-Shahimardon Irrigation Infrastructure: Construction of new Aval-Lagon and Rehabilitation and Modernization of Existing Isfayram-Shahimardon Pump Station in Fergana Region» (re-bidding).
2. The Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan now invites sealed Bids from eligible Bidders for construction of new Aval-Lagon and rehabilitation and modernization of existing Isfayram-Shahimardon Pump Station in Fergana Region.
3. Bidding will be conducted through the International Competitive Bidding procedures as specified in the World Bank's Guidelines: Procurement of Goods, Works and Non-Consulting Services under IBRD Loans and IDA Credits

& Grants by World Bank Borrowers dated January 2011, revised July 2014 («Procurement Guidelines»), and is open to all eligible bidders as defined in the Procurement Guidelines. In addition, please refer to paragraphs 1.6 and 1.7 setting forth the World Bank's policy on conflict of interest.
4. Interested eligible Bidders may obtain further information from the Implementation Unit of the World Bank Projects, Mr. Bakhtiyor Yunusov, piu.fwrmp@gmail.com and inspect the Bidding document during office hours 9.00 to 18.00 (Tashkent time) at the address given below.
5. During the first week of August 2021, the PIU will arrange the site visits for interested Bidders. The interested Bidders should submit a written request for site visit, including the names of their representatives. The Bidders, who purchased the Bidding Documentation, will be notified on the date and time of site visit.
6. The PIU will arrange a pre-bid meeting four weeks after publication of the Special procurement notice. The Bidders, who purchased the Bidding Documentation, will be notified on the date and time of the meeting.
7. The Bidding document in English and Russian may be purchased by interested eligible Bidders upon the submission of a written application to the address below and upon payment of a nonrefundable fee of 200 (two hundred) United States Dollars or 2 120 000 (two million and one hundred twenty thousand) Uzbek Soums.
The method of payment will be direct deposit to the following bank accounts:
In United States Dollars:
Account name: Center for implementation of foreign investment projects in water sector
Bank name: JSCIB «IPOTEKA

BANK» Mekhnat branch, Tashkent Bank account: 2021 0840 9054 0531 9001
TIN: 308508389 SWIFT: UZHOUZ22 MFO:00423
In Uzbek Soums:
Account name: Center for implementation of foreign investment projects in water sector
Bank name: JSCIB «IPOTEKA BANK» Mekhnat branch, Tashkent Bank account: 2021000005405319001
TIN: 308508389 SWIFT: UZHOUZ22 MFO:00423
8. Bids must be delivered to the address below on or before 15.00 o'clock (Tashkent time) September 06, 2021. Electronic Bidding will not be permitted. Late Bids will be rejected. Bids will be publicly opened in the presence of the Bidders' designated representatives and anyone who chooses to attend at the address below on 15.05 o'clock (Tashkent time) September 06, 2021.
9. All Bids must be accompanied by a Bid Security of 345,000 (Three hundred and forty five thousand) United States Dollars or 3,648,720, 000 (Three billion six hundred forty eight million seven hundred twenty) Uzbek Soums or equivalent in any freely convertible currency; and
10. The address referred to above is:
Attention: Mr. B. Kamalov, Director of Center for Implementation of foreign investment projects in the water sector.
The Republic of Uzbekistan, 100128, Tashkent, Labzak Street 1A,
Floor/Room number: 2/210
Phone: +998712415134, (+998) 712415117
E-mail address: piu.fwrmp@gmail.com

SPECIFIC PROCUREMENT NOTICE REQUEST FOR BIDS WORKS

Employer: Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan
Project: Ferghana Valley Water Resources Management Phase - II
Contract title: FWRMP-II/ICB/3-2/2 «Rehabilitation of Savay-Akburasoy Irrigation Infrastructure: Rehabilitation and Modernization of Existing Orom and Savay Pump Stations in Andijan Region» (re-bidding)
Country: The Republic of Uzbekistan
Credit No.: IDA Credit No.6083-UZ
RFB No: FWRMP-II/ICB/3-2/2
Issued on: June 2021
1. The Republic of Uzbekistan has received financing from the World Bank toward the cost of the «Ferghana Valley Water Resources Management Phase-II, Project» and intends to apply part of the proceeds toward payments under the contracts for FWRMP-II/ICB/3-2/2 «Rehabilitation of Savay-Akburasoy Irrigation Infrastructure: Rehabilitation and Modernization of Existing Orom and Savay Pump Stations in Andijan Region» (re-bidding).
2. The Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan now invites sealed Bids from eligible Bidders for rehabilitation and modernization of existing Orom and Savay Pump Stations in Andijan Region.
3. Bidding will be conducted through the International Competitive Bidding procedures as specified in the World Bank's Guidelines: Procurement of Goods, Works and Non-Consulting Services under IBRD Loans and IDA Credits & Grants by World Bank Borrowers dated January 2011, revised July 2014

(«Procurement Guidelines»), and is open to all eligible bidders as defined in the Procurement Guidelines. In addition, please refer to paragraphs 1.6 and 1.7 setting forth the World Bank's policy on conflict of interest.
4. Interested eligible Bidders may obtain further information from the Implementation Unit of the World Bank Projects (PIU) of the Center for implementation of foreign investment projects in the water sector under Ministry of Water Resources, Mr. Bakhtiyor Yunusov, piu.fwrmp@gmail.com and inspect the Bidding document during office hours 9.00 to 18.00 (Tashkent time) at the address given below.
5. During the first week of August 2021, the PIU will arrange the site visits for interested Bidders. The interested Bidders should submit a written request for site visit, including the names of their representatives. The Bidders, who purchased the Bidding Documentation, will be notified on the date and time of site visit.
6. The PIU will arrange a pre-bid meeting four weeks after publication of the Special procurement notice. The Bidders, who purchase the Bidding Documentation, will be notified on the date and time of the meeting.
7. The Bidding document in English and Russian may be purchased by interested eligible Bidders upon the submission of a written application to the address below and upon payment of a nonrefundable fee of 200 (two hundred) United States Dollars or 2120 000 (two million and one hundred twenty thousand) Uzbek Soums.
The method of payment will be direct deposit to the following bank accounts:
In United States Dollars:
Account name: Center for implementation of foreign investment

projects in water sector
Bank name: JSCIB «IPOTEKA BANK» Mekhnat branch, Tashkent Bank account: 20210840905405319001
TIN: 308508389 SWIFT: UZHOUZ22 MFO:00423
In Uzbek Soums:
Account name: Center for implementation of foreign investment projects in water sector
Bank name: JSCIB «IPOTEKA BANK» Mekhnat branch, Tashkent Bank account: 2021000005405319001
TIN: 308508389 SWIFT: UZHOUZ22 MFO:00423
8. Bids must be delivered to the address below on or before 15:00 o'clock (Tashkent time) September 06, 2021. Electronic Bidding will not be permitted. Late Bids will be publicly opened in the presence of the Bidders' designated representatives and anyone who chooses to attend at the address below on 15.05 o'clock (Tashkent time) September 06, 2021.
9. All Bids must be accompanied by a Bid Security of 150,000 (One hundred and fifty thousand) United States Dollars or 1, 586, 400,000 (One billion five hundred eighty-six million four hundred thousand) Uzbek Soums or equivalent in any freely convertible currency; and
10. The address referred to above is:
Attention: Mr. B. Kamalov, Director of Center for Implementation of foreign investment projects in the water sector.
The Republic of Uzbekistan, 100128, Tashkent, Labzak Street 1A,
Floor/Room number: 2/210
Phone: +998 712415134, 998 712415117
E-mail address: piu.fwrmp@gmail.com

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони архив мудири Фотима Мингбаевага волидан муҳтарамаси
ТЎХТАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИга
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklama@mail.ru,
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 748. 30 416 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлб-қўл билан олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташхирриятга келган қўб-қўблар тақрир қилинмайдан ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг отқазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета таххиррият компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 01.50 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6